

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА № 9 (1240)

2020 ЙИЛ 5 МАРТ

ТЎЛОВ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ



2 март куни Марказий банкда Халқаро молия корпорацияси миссияси билан учрашув ўтказилди. Унда нақд пулсиз тўловлар ҳамда уларни тартибга солиш, шунингдек, электрон пуллари эмитентларини назорат қилиш тизимини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

ХМК вакиллари Ўзбекистонда тўлов тизимининг

замонавий стандартларини жорий этишда, финтех

компанияларининг маҳаллий бозорга киришларини эркинлаштириш борасида техник ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдиришди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг тегишли департаментлари ва ХМК вакилла-

рининг молиявий хизматлар истеъмолчиларини масофадан туриб идентификация қилиш, мамлакатдаги тўлов тизими ҳолати, банк карталари орқали тўловларни амалга ошириш тизими ва амалдаги тўлов тизимида хизматлар

турини кенгайтириш масалаларида амалий учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати

Мамлакатимиз ўзининг узоқ йиллик тарихий-маданий мероси, ноёб моддий ва номоддий қадриятлари, меъморий обидалари, замонавий шаҳарлари билан халқаро сайёҳлик бозорида алоҳида мавқега эга.

“ТУРОНБАНК” БИЛАН КЎҲНА КЕШНИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА!

Бой ўтмишимиздан далолат берадиган қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шахрисабз, Марғилон шаҳарларидаги замонавий бинолар, жойларда фаолият кўрсатаётган миллий хунармандлик марказлари ушбу ҳудудларда нафақат халқаро, балки ички

туризмни ҳам ривожлантиришга кўмаклашяпти.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг сўнгги вақтлардаги ташаббус ва саъйи – ҳаракатлари натижасида айни соҳада туб бурилишлар амалга оширилиб, бир қатор янгилик ва энгилликлар жорий этилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)


ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Жорий йилнинг 28 февралда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бошқаруви Раиси Сардор Нормухамедов бошчилигида банк вакиллари ҳамда “Азия-Инвест Банк” акциядорлик жамияти Бошқаруви Раиси Сардорбек Усманбеков бошчилигидаги делегация ўрта-сида учрашув ўтказилди.

Учрашув давомида 2019 йил бўйича банклар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда чакана савдо маҳсулотлари соҳасидаги истиқболли ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилин-

ди. Учрашув якунида савдо-сотикни молиялаштириш лимитини 6 миллионгача ва 18 ойгача бўлган муддатга ошириш бўйича қелишувга эришилди.

finance.uz



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР

“ИПАК ЙЎЛИ” БАНКИ ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПАРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро молия корпорацияси (IFC) “Ипак Йўли” Банкига иқтисодиётни модернизация қилиш ва ўсишини рағбатлантириш борасидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш доирасида халқаро савдони молиялаштиришни оширишга ёрдам бериш мақсадида буни кафолатлаш механизмини тақдим этмоқда.



Мазкур битимга мувофиқ, “Ипак Йўли” Банки IFC глобал савдони молиялаштириш дастурига (GTFP) қўшилган учинчи Ўзбекистон банкига айланади. IFC “Ипак Йўли” банкига банк мижозларининг алоҳида экспорт-импорт операциялари бўйича тўлов хатарларини

қисман ёки тўлиқ қоплаш кафолатларини тақдим этиш орқали савдони молиялаштириш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Мазкур ташкилот кафолатлари “Ипак Йўли” Банки мижозларига халқаро савдо молиялаштириш манбаларига кириш ва

маҳаллий бозор учун муҳим бўлган трансчегаравий савдонини оширишга ёрдам беради.

– IFC билан ҳамкорлик экспорт қилувчи компаниялар ва импортчилар билан алоқаларни кенгайтиришга, шунингдек, савдони молиялаштириш ҳажмини оширишга ёрдам беради, шу билан банк мижозларига халқаро савдони амалга ошириш учун кўпроқ имкониятлар яратади”, – деди “Ипак Йўли” банки Бошқаруви раиси Саидаббор Сайдахмедов.

– “Ипак Йўли” банки билан ҳамкорлигимиз маҳаллий компаниялар учун савдони молиялаштириш имкониятини яхшилашга ёрдам берадиган самарали бизнес моделларини жорий этишга ёрдам беради, – дейди IFC нинг Марказий Осиёдаги минтақавий раҳбари Кассандра Колберт.

Таъкидлаш жоизки, “Ипак Йўли” Банки 2018 йилдан бошлаб IFC билан фаол ҳамкорлик қилиб, 15 млн. АҚШ доллари миқдорига кредитни муваффақиятли жалб қилган.

“ТРАСТБАНК”НИНГ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

Жорий йилнинг 2 март куни Термиз шаҳрида замонавий ҳамда миллий архитектура уйғунлиги талабларига тўлиқ жавоб берадиган “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Термиз филиали янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Сурхондарё вилояти Бош бошқармаси мутасаддилари, банк ва молия муассасалари вакиллари, тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Сурхондарё вилоят ҳокими Тўра Боболов сўзга чиқиб, “Трастбанк”нинг Термиз филиали 2019 йилнинг 18 декабрь куни, яъни бундан 11 йил аввал вилоятда ташкил этилганлиги, бугунги кунда мижозлар сони ортгани, янги замонавий бинога бўлган талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари ва Бошқаруви томонидан замонавий ва кўркам бинонинг қурилиши маъқулланганлиги вилоят аҳолисига қувонч бахшида этганлигини алоҳида таъкидлади.



Шунингдек, тадбирда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бошқаруви Раиси янги бинони очишдан мақсад банкни ўз мижозларига янада яқинроқ қилиш ва улар фаолиятининг молиявий ривожланишларига кўмаклашиш ҳамда мижозлар учун барча турдаги банк хизматлари ва маҳсулотларини тақдим этиш ниятида эканини қайд этди.

Шундан сўнг, тантанали очилиш маросимининг рамзий тасмалари кесилиб, банк филиалининг очилганлиги расман

эълон қилинди ҳамда филиал бошқарувчисига бинонинг рамзий калити топширилди.

Тадбир иштирокчилари замонавий ҳамда миллий архитектура уйғунлиги талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ўз меъморий дизайни билан шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган филиал биноси остонасидан ичкарига қадам қўйиб, банк мижозлари ва ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан республика-миз олий ўқув юртлари, хоржий давлатлар олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги филиаллари ҳамда чет элдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик фуқаролар учун SQB стипендияси жорий қилинди. Стипендия миқдори республика ҳудудида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баробарига-ча этиб белгиланади.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ТОМОНИДАН “SQB СТИПЕНДИЯСИ” ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

SQB стипендияси молия, иқтисод, ахборот технологиялари, математика, ҳуқуқ ва банкнинг бизнес жараёнлари билан боғлиқ бошқа зарур мутахассисликлари бўйича бакалавр йўналишининг 3-4-босқич ва магистратура бўлимида таҳсил олаётган иқтидорли, ташаббускор, замонавий фикрлайдиган, юқори билим ва малакага эга, хоржий тилларни мукамал эгаллаган ҳамда ўқишни муваффақиятли давом эттираётган (тамомлаётган) талабаларни танлов ва саралаб олиш асосида тўланади.

Бунда талаба-ёшларнинг ўқув жараёнида юқори рейтинг кўрсаткичларга эга бўлиши, давлат ва хоржий тиллар (камида битта)ни мукамал билишига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, талабгорлар SQB стипендияси бўйича банк тизимида тузилган Экспертлар гуруҳи томонидан сўхбат ва тест синовларидан ўтказилади.

Банк фаолиятига оид фанлар, ахборот технологиялари, матема-

тика йўналиши бўйича халқаро ёки республика олимпиадаси совриндорларига эса танлов якунида устуворлик берилади.

– Мазкур лойиҳа банк тизимида ишлаб чиқилган янги HR стратегияси асосида амалга оширилмоқда, – дейди Ўзсаноатқурилишбанк Ходимларни бошқариш департаменти директори А.Нодиров. – Бунда банкни трансформация қилиш жараёнида кадрлар сиёсатини самарали юритиш, хусусан, ходимлар захирасини ўқишда, илмий изланишда ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол бўлган иқтидорли, ёш кадрлар билан тўлдириш ва шу билан бир қаторда олий ўқув юртлари талабаларига банк ва ахборот технологиялари йўналишларида профессионал фаолият бошлашлари учун қулай имконият яратиш мақсади кўзда тутилган.

SQB стипендияси танловда иштирок этиш ва номзодлардан ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисида батафсил яқин кунларда эълон қилинади.

“SQB SECURITIES” ЛИЦЕНЗИЯ ОЛДИ

Жорий йилнинг 2 март куни Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ гуруҳига кирувчи “SQB Securities” масъулияти чекланган жамиятига лицензия берилди. Янги компания инвестицион воситачи, инвестицион консултант, шунингдек, инвестицион активларнинг ишончли бошқарувчиси ҳисобланади.

“SQB Securities” директори Амур Жалилов таъкидлашча, компания халқаро капитал бозорига чиқиш ҳамда халқаро ва маҳаллий бозорлар ўртасида асосий боғловчилик ўрнини мустаҳкамлашга эътибор қаратади. Шу мақсадда ҳам маҳаллий, ҳам халқаро ҳамкорлар билан инвестиция-банк соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали капитал бозорига инновацион ечимлар, маҳсулот ва хизматлар таъбиқ этилади.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директори Отабек Назиров тижорат банкларининг капитал бозорига профессионал иштирокчилар сифатида фаол кириб келишини олқишлади. “Биз компанияларимизнинг хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвесторларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳамда капитал бозорининг ликвидлигини ошириш учун банкларимиз ва халқаро инвестиция компаниялари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ниятидамиз”, деди жумладан О.Назиров.

“QR-ONLINE” УНИВЕРСАЛ ТЕЗКОР ТЎЛОВ ХИЗМАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасида рақамли банкнинг ривожлантириш Концепциясига мувофиқ, Марказий банк томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда QR-код орқали (“Quick Response Code” – тез аниқланадиган код) тезкор тўловни амалга оширишнинг “QR-online” стандартлаштирилган ва универсал хизмати ишга туширилди.

Мазкур тизим доирасида савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачалари (хўжалик юртувчи субъектлар) ўзларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали QR-кодни шакллантириб, рўйхатдан ўтказадилар. Харидорлар томонидан мобиль илова дастурлари воситасида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг QR-кодларини сканер қилиш (“ўқиш”) ҳамда харид суммасини киритиш орқали

тўловлар амалга оширилади. Бунда пул маблағлари мобиль иловага бириктирилган банк карталари ҳисобварақлари ва электрон пул ҳамёнлардан ҳисобдан чиқарилади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари “QR-online” тизими орқали мижозлардан қабул қилинган ва банк ҳисобварақларига кир-



рим қилинадиган маблағларни “Telegram” тармоғидаги

“@onlineqrbot” канали, мижознинг банк шахсий кабинети ҳамда sms-хабарнома хизмати орқали онлайн режимида назорат қилиб боришлари мумкин. Мазкур тизим мавжуд муқобил тўлов хизматларидан фарқли ўлароқ, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан узвий боғлиқликда ишлайди.

Тижорат банкларининг тўлов хизматлари бозоридаги мазкур янги таклифи маҳсулотларни мижозга етказиб бериш, йўловчиларни ташиш каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи ташкилотларга терминалларсиз тўловларни қабул қилиш имкониятини яратиш билан боғлиқ қўшимча қулайликларни тақдим этади.

Ҳозирги кунда ушбу тизимни Тошкент шаҳрида татбиқ этиш доирасида тижорат банклари томонидан 3 мингдан ортиқ хўжалик субъектларининг савдо ва хизмат кўрсатиш пунктлари уларга тегишли “QR-online” тизими стикерлари билан таъминланди.

Тўлов хизматлари бозорида “QR-online” тизимининг ишга туширилиши кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини янада кенгайтириш, шунингдек, Марказий банкнинг асосий стратегик мақсадли йўналишларидан бири бўлган тўлов тизими барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Cbu.uz

ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИДА ЯГОНА ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Банк карталари орқали тўловлар амалга оширилишида халқаро тажриба бўйича воситачилик ҳақи, қоида тариқасида, банк картаси сақловчисидан (эгасидан) эмас, тўловларни қабул қилувчи савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларидан олинади.



Ушбу воситачилик ҳақи банкларга тўлов инфратузилмасига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш ва банклараро воситачилик ҳақини тўлаш имкони беради.

Ҳозирда хорижий давлатларда банк воситачилик ҳақининг миқдори тўлов воситаларининг турларига (дебет/кредит карталари, интернет орқали онлайн тўловлар ва ҳ.к.), субъектларнинг фаолият турига (давлат ташкилотлари, супермаркетлар, авиакассалар, меҳмонхоналар, ресторанлар, дорихоналар) боғлиқ бўлиб, одатда 1 фоиздан 3 фоизгача белгиланади.

Ўз навбатида, тўлов тизимларига бепул хизмат кўрсатилиши халқаро стандартлар талабларига мос келмайди, шунингдек, тўлов хизматлари ва тўлов инфратузилмасини ривожлантиришни, янги тўлов маҳсулотларига инвестиция киритишни рағбатлантирмайди.

Шу муносабат билан халқаро тажрибадан келиб чиқиб, банк хизматларини бозор механизмларига ўтказиш мақсадида тижорат банклари ва тўлов тизимлари операторлари билан келишилган ҳолда, 2020 йил 2 мартдан бошлаб мамлакатнинг барча савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари учун ўрнатилган тўлов терминаллари инфратузилмасида савдо тушумининг 0,2 фоизи миқдорида воситачилик ҳақи киритилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бу тадбир бир томондан тўлов инфратузилмасини ривожлантириш учун харажатларни қисман қоплашга, бошқа томондан банк карталари ёрдамида тўловларни мунтазам амалга оширувчи мижозларга турли бонус, дисконт ва рағбатлантирувчи дастурларни (кешбэклар) таклиф қилишга имконият яратади, пировард натижада эса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кўпайишига олиб келади.

Cbu.uz

Мамлакатда банк соҳасини ривожлантириш, инвестицион салоҳиятни ошириш ва банкларнинг мижоз учун ишлашни ташкиллаштириш мақсадида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

“ТРАСТБАНК” “UPT” ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ТИЗИМИГА УЛАНДИ

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ҳам мижозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш ва чакана бизнесни ривожлантириш соҳасида фаол иштирок этиб, халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда.

Жорий йилнинг 25 февраль куни “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ва Туркия Республикасининг UPT (ÖDEME HİZMETLERİ A.Ş) акциядорлик жамияти шаклидаги халқаро пул ўтказмалари тизими вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бошқаруви Раиси ўринбосари Зиёвуддин Курганов, Банкнинг Чакана

бизнес департаменти директори Назиржон Хайиталиев, Туркиянинг UPT халқаро пул ўтказмалари тизими ижрочи директори Мурат Кастан иштирок этиб, ҳар икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши натижасида мижозларга яратиладиган қулайликлар ҳақида музокаралар олиб боришди. Музокаралар якунига кўра, “Трастбанк” ҳамда Туркиянинг UPT халқаро пул ўтказмалари тизими ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Эндиликда Туркия ва Ўзбекистон фуқаролари ушбу банк хизматидан фойдаланган ҳолда халқаро пул ўтказмаларини амалга оширишлари (турк лираси, АҚШ долларлари, евро ва сўмда) мумкин.

Сабоҳат ХАЙТКАРИЕВА

Мамлакатимизда аҳоли томонидан банк хизматларига бўлган талабларни инобатга олган ҳолда банк тармоқларини кенгайтириш ҳамда мижозларга кўрсатилаётган банк хизматларининг оммабплигини ошириш мақсадида аҳолига қулай бўлган ҳудудларда банк хизматлари марказлари ташкил этилмоқда.

Бу борада “Ўзмиллийбанк” томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, яқинда банк томонидан Хоразм вилояти Хива шаҳрида ва Андижон вилояти Қўрғонтепа, Шаҳрихон туманларида навбатдаги замон талабларига мос “Банк хизматлари марказ” лари ишга туширилди.

Шуни айтиш лозимки, мазкур замонавий банк хизматлари марказлари аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш имконини беради.

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС “БАНК ХИЗМАТЛАР МАРКАЗЛАРИ”



Жумладан, марказда мижозлар мутахассислар маслаҳатини олиши, ҳисоб рақам очиши ва кредит олиш учун ариза бериши, онлайн омонатларни расмийлаштириши ҳамда барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириши мумкин.

Айни дамда банк томонидан мазкур йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида жойларда янги ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

Finance.uz



“ТУРОНБАНК” БИЛАН КЎҲНА КЕШНИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА!

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, мазкур тармоқни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича биргина 2019 йилнинг ўзига “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 10 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди, шунингдек, янги таълим муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилди, сайёҳлар оқимининг ошиши, янги туристик маҳсулотлар, йўналишларни ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш, хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича самарали ишлар бажарилди. 2025 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш Концепциясининг тасдиқлангани эса тарихий ва ғоят муҳим қадам бўлди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ўтган 2019 йилда Ўзбекистонга 6,7 млн. нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, бу рақам 2018 йилга нисбатан 26,2 фоизга ошди. Жойлашув воситалари сони эса жами 1 188 тага етди. Шундан 833 таси – меҳмонхона, 214 таси – хостел ва 141 таси шунга ўхшаш бошқа турдаги объектлардир. Дарҳақиқат, туризмни ривожлантириб, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда меҳмонхона бизнеси муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари замирида хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга ўнлаб меҳмонхоналар қад ростламоқда. Хусусан, ўзининг бетакорр табиати, қадимий обидалари билан барчада катта таассурот қолдирган, тарих ва келажак туташган манзил Шаҳрисабзда ҳам маҳаллий ва хорижий меҳмонларни муносиб қарши олиш, уларга жаҳон стандартлари асосида сифатли хизмат кўрсатиш бўйича кўплаб янги объектлар қурилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда.

Бу жараёнларда ўзининг истиқболли лойиҳалари билан фаол иштирок этаётган ишбилармонларга эса Туронбанк ўзининг молиявий кўмагини аямаяпти. Сўзимизнинг исботини “Кеш Азиз Шифо” МЧЖ фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Шаҳрисабз шаҳрининг марказида жойлашган уч юлдузли “Hotel&Spa Ulug'bek” меҳмонхонаси бир вақтнинг ўзига 60 нафар ташриф буюрувчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлиб, у ерда 1,2,3 ўринли хоналар тайёрланган. Банкдан олинган 3 млрд. сўмга яқин кредит эвазига эса,

меҳмонхона энг сўнги русумдаги ва замонавий жиҳозлар билан тўлдирилиб, энг нозик таъбли мижозларга ҳам юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

– Мамлакатимизнинг барча шаҳарлари сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. Хусусан, Тошкент қадимдан Европа ва Осиё мамлакатларининг ўзаро алоқаларида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган бўлса, кўҳна ва ҳаммиша навқирон Кеш, яъни Шаҳрисабз шаҳри бой тарихи ва қадимий обидалари билан ном қозонган. Шунинг учун ҳам заминимиздан бутун дунёдан келадиган меҳмонлар қадами аримайди. Уларни бағрикенг халқ сифатида муносиб қарши олиш, иззат-икром кўрсатиш эса ҳам қарз, ҳам фарздор. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда биз барча қулайликларга эга уч юлдузли “Hotel&Spa Ulug'bek” меҳмонхонамизни ишга туширдик. Айни пайт бу ерда барча шароитлар яратилган. Шинам ва дид билан безатилган хоналар, ихчам ресторан, сунъий сузиш ҳавзаси, анжуманлар зали, WiFi ва автомобиллар учун турар жой. Хорижлик меҳмонларга қулай бўлиши учун тўловларни Master Card ва Visa Card орқали амалга ошириш имконияти яратилган. Яна бир афзаллик жиҳати меҳмонхонамиз аэропортдан 7,6 км, темир йўл вокзалидан эса бор-йўғи 5,7 км узоқликда жойлашгандир. Бу эса туристларга энгиллик яратади деб ўйлайман. Биз ҳозирда Туронбанк билан яна ҳамкорликни мустаҳкамлаб, 60 кишилик сизимимизни 120 кишига етказишни режалаштирмакдамыз. Бир сўз билан айтганда, бу ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан биз тadbirkorларга яратиб берилётган қулайликлар самарасидир. – деди “Hotel&Spa Ulug'bek” меҳмонхонаси раҳбари Заршед Абдурашидов.

Мухтасар қилиб айтганда, берилётган ваъдалар, қабул қилинаётган қарорлар, ишлаб чиқилаётган йўл – хариталари бежизга бўлаётгани йўқ. Босқичма – босқич барчасининг ижроси, унинг ортидан эса натижалари келяпти. Юртимизга келаётган сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Бу мамлакатимизда тинчлик-осойишталик барқарорлиги, юртимизнинг замон билан ҳамқадам ривожланаётгани самарасидир.

Банк Ахборот хизмати

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

СУҒУРТА БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Давоми бошланиши
ўтган 8-сонда (6-бетда)

Шунингдек, ҳозирги кунда кўплаб ривожланаётган мамлакатлар сугурта бозорига сугурта воситачилари билан боғлиқ бир қанча муаммолар йиғилиб қолган. Буларга давлат ва сугурта компаниялари ўртасидаги муаммоларни бартараф этишда ҳуқуқий ҳаракатлар ва асосларнинг йўқлиги, умуман сугурта воситачиларининг ва сугурта бозорини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Сугурта воситачиларининг асосий муаммоларидан бири бу – миллий сугурта қонунчилиқда сугурта воситачилари тушунчасининг йўқлиги ва сугурта агентлари фаолиятини тартибга солиш механизмларининг мавжуд эмаслиги. Сугурта агентлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш кўзда тутилмаган. Бу ишларни сугурта компаниялари ўзи назорат қилади ва рўйхатга олади. Ваҳоланки, бундан сугурта компанияларнинг ўзи ҳам манфаатдор!

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Муаммолар	Муаммони натижаси
Малакали кадрлар етишмаслиги	Сугурта воситачилари фаолиятини сифати жуда паст (айниқса агентлар фаолияти)
Фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришда ягона стандартларнинг йўқлиги	Воситачиларнинг ҳар қайси билганича ўз фаолиятини амалга оширади
Сугурта агентларининг савияси пастлиги	Агентлар – соҳадан йироқ инсонлар, ишбилармонлар эмас
Сугурта воситачиларини тайёр-лайдиган марказлашган тизимнинг йўқлиги	Ҳар қайси сугурта воситачилари ўз билганича воситачилик фаолиятларини олиб боришмоқда.
Комиссион ҳақларни шакллантиришдаги носоглом рақобатнинг мавжудлиги	Сугурта соҳасига, сугуртага, сугурта воситачиларига бўлган ишончининг йўқолиши
Сугурта агентлар фаолиятини бошқаришда ягона тизимни йўқлиги	Ҳар қайси сугурта компанияси ўзи билганича сугурта агентлар фаолиятини бошқаради
Сугурта компаниялари агентларда барқарор портфеллар шакллани-шига манфаатдор эмас	Агентлар юқори комиссия ҳақга учар бўлиб қолишган
Сугурта компанияларида инвестиция портфели бошқарилмайд	Компаниялар инвестиция соҳасида банк депозитларига суяниб қолган
Сугурта компанияларида ҳақиқий инвесторлар мавжуд эмас	Бўш пул маблағлари фонд биржасида айлантириш имкони йўқ

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорини ривожлантириш ва такомиллаштиришда сугурта воситачиларининг ролини кучайтириш, ҳаққоний агентларни таёрлаш, компанияларда инвестиция бўлиmlарини кенгайтириш ва малакали инвесторларни жалб қилиш ҳамда улар билан боғлиқ муаммоларни тизимли ҳал этиш, меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш зарур.

Шунингдек, сугурта хизматлари ички бозорининг янада самарали ривожланиши учун ўзаро сугурта компанияларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни жадаллаштириш зарур.

Сугурта компанияларида сугурта хизматлари қанчалик сифатли бўлишидан қатъи назар, Moody S ва Standard&Poors каби халқаро консалтинг компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатишга доимо эҳтиёж бор.

Сугурта хизматлари бозорига ишонч даражасини оширишнинг зарур усули ахборотнинг ошқоралигини таъминлашдир. Бошқа молия муассасалари сингари, сугурта ташкилотла-

Ўзбекистон сугурта бозорини ривожлантириш бўйича сугурта назорати томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилганига қарамадан, сугурта воситачилари фаолиятида етарли даражада муаммолар тўпланиб қолган. Ўзбекистонда сугурта бозори ривожланишидаги мавжуд асосий муаммолар ва уларнинг натижасини таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистонда сугурта фаолиятидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини ўрганиш ҳамда ушбу фаолиятни Ўзбекистон шароитида такомиллаштириш шунингдек, хориж давлатларида сугурта воситачиларини ишлаш усулларини шаклланиши, ривожланиши ва хусусиятларини ўрганиш ҳамда сугуртани эркин инвестиция фаолияти билан чамбарчас боғлаш, шунингдек, бўш пул маблағларидан умумироқ фойдаланиш менинг фикримча, мамлакатимизнинг сугурта соҳасини янада ривожлантиришга замин яратади.

ри молиявий ва инвестицион ҳисоботларни омвий ахборот воситаларида ва тегишли расмий сайтларда нашр этишлари шарт.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, жамиятимиз ўз мол-мулкни ва молиявий манфаатларини қундалик ҳаётда ҳимоя қилиш, шунингдек, турли хил фаолиятни амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишга муҳтож. Шу билан бирга сугурта хизматлари бозорини тартибга солиш, жумладан, ҳаёт сугурта соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш зарурати сугурта бозори, уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ва уни кейинчалик ишлашининг концепциялари билан боғлиқ кўплаб жамоатчилик муҳокамасини талаб этади. Иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмини, унинг сугурта хизматларининг ички бозорига иқтисодиётнинг ажралмас қисмини таъминлаш бу – давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифасидир.

Анваржон Ғафоров
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тинглочис



ЗАМОН БИЛАН БЎЙЛАШИБ

Мамлакатимизда савдо марказлари инфратузилмасини яхшилаш, жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу эса бозорлар тўқинлигини таъминлаш, сифат ва нарх уйғунлигига эришиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “2017 – 2019 йиллар давомида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш, ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори бу ишларнинг янада жадаллашишига асос бўлди.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, яқинда Нукус шаҳрида “Корзинка” савдо кўнгилочар ва маиший хизмат комплекси маркази ишга туширилгани сўзимиз исботидир. Ушбу замонавий савдо маркази аҳолининг истеъмол молларига бўлган қўлай имконияти ва шароитлар яратиш, бир сўз билан айтганда, халқни рози қилиш йўлида амалга оширилаётган муҳим саъй-ҳаракатлардан бири бўлди.

Айни пайтда мажмуада 200 та савдо ва сервис шохобчалари фаолият юритаётган бўлиб, майдони бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йиригидир. Марказда аёллар, эркаклар ва болалар кийим кечаклари, парфюмерия маҳсулотлари билан савдо қилувчи бўлимлари, ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, савдо тармоғида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил қилинган ҳамда маҳаллий фермерлар учун ажратилган павильонда исталган турдаги

қиллоқ хўжалиги неъматларини ҳамёнбоп нархларда харид қилиш мумкин. Музлаткич витриналар, ҳаво алмаштириш, электрон тарозилар, компьютер касса аппаратлари, тўлов терминаллари ва бошқа техник воситалар хариддорларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради.

– Юртимизда, тадбиркорлик қиламан, шу орқали янги ишчи ўринларини яратиб юртимга ҳар тарафлама фойда келтираман деб ният қилган инсон борки, улар учун барча шарт-шароитлар яратилган, – дейди тадбиркор Ботир Йўлдошев. – Шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ўз бизнес лойиҳамни “Ўзмилийбанк” Қорақалпоғистон Республикаси филиалига тақдим этдим. Лойиҳа маъқуллангач, банк томонидан 13 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари тақдим этилди. Олинган кредит маблағлари эвазига ушбу савдо марказини қуриб битказдик. Савдо марказимизда, хариддорлар ва марказ ходимлари учун барча шароитлар яратилган.

Қайд этиш жоизки, марказнинг ишга тушиши 300 нафардан ортиқ ёшларни иш билан таъминланишига сабаб бўлди. Келгусида эса, савдо марказида яна қўшимча замонавий савдо дўконлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу эса, янги иш ўринлари яна ортишидан дарак беради.

Рустам ПЎЛАТОВ




Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки йилларида “Энди эскичасига ишлаб бўлмайди” деган иборани такрор-такрор айтгани барчамизнинг ёдимизда бўлса керак. Айтилган гаплар амалга ошди. Бугун республикамизнинг қай бир вилоятига қараманг, барча шаҳар ва туманларда халқнинг талабига, манфаатига қараб иш юритилаётганига гувоҳ бўласиз. Ана шу йўлдаги изланиш ва интилиш кўлами кундан-кун кенгайиб бормоқда.

ЯНГИЙЎЛ ЯНГИ ШАҲАРГА АЙЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 20 июлдаги “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тuzилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Тошкент вилоятига бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритилган Янгийўл шаҳрига 2018 йил 5 январь куни ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишгач, йўл кўйилаётган камчиликлар зудлик билан ҳал қилиш керак бўлган муаммолар юзасидан муҳим кўрсатма ва топшириқлар берган эди.

ҳокими қараб турган йўқ. Уларга зудлик билан янги шароит яратиб беришга ҳаракат қилди.

Ҳокимнинг ташаббусига биринчилардан бўлиб, “Лаббай” деб жавоб берган тадбиркор Абдуборий Арипходжаев бўлди, десак хато бўлмайди. Унинг ўзи қисқа муддатда 5 минг кв. м ҳудудда барча қўлайликларга эга бўлган 70 та савдо дўкони қуриб, 200 нафардан ортиқ иш ўрнини йўқотган ёш тадбиркорларни иш билан таъминлади. Бугун ёпиқ савдо мажмуасида янги савдо дўконига эга бўлган тадбиркорлар яратилган шароитдан,



Шундан сўнг Янгийўл шаҳрини ободонлаштириш, аҳолини турмуш шароитларини яхшилаш, муаммоларини бартараф қилишга қаратилган алоҳида дастур қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар бошланди. Бугун Янгийўлда бўлган киши икки йилдан сал ошиқ вақт ичида шаҳарда амалга оширилган ишларни кўриб ҳайратланиши аниқ. Кенг ва раван кўчалар, янги кўп қаватли уйлар, кўплаб замонавий савдо мажмуалари, янгидан бунёд этилган деҳқон бозори... Тўғриси айтганда, ҳаммасини бирма-бир санаб чиқиш қийин. Энг муҳими, шаҳар ҳокими дастур бўйича бажарилаётган ишларни жиддий назорат қиляпти. Янги ташаббусларга бош-қош бўлиб турибди.

Шаҳарда амалга оширилаётган хайрли ишлардан бири аҳолини, айниқса ёшларни тўлиқ иш билан таъминлаш, тадбиркорларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганидир. Ана шу йўлдаги астойдил интилишлар туфайли минглаб ишчи ўринлари яратилиб, ишсизликдан қийналаётган кўплаб янгийўлликлар муҳим иш ўрнига эга бўлди.

Бу муаммони ҳал қилишда шаҳарнинг тажрибали тадбиркорлари ҳокимга мададкор бўляпти. “Янгийўл-сут” хусусий корхонасининг раҳбари Абдуборий Арипходжаев ана шундай тадбиркорлардан бири.

Шаҳарда ноқулай жойда жойлашгани учун саноат моллари бозори бузилган эди. Натижада савдо билан шугулланаётган юзлаб тадбиркор ўз иш жойидан айриди. Лекин шаҳар

кўрсатилган ғамхўрликдан беҳад мамун.

– Бу ердан жой олиб, иш бошлаганимга 3 ойдан ошди, – дейди маиший техника дўкони, тадбиркор Ботир Мирзақодиров. – Шароитлар яхши, савдо яхши кетяпти. Ижара ва солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб боряпмиз. Биз Янгийўл шаҳар ҳокими ва Абдуборий акага ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди.

– Мен ҳам 3 ойдан буён шу ердан дўкон олиб, кийим-кечак сотиш билан шугулланаялман, – дейди яна бир тадбиркор Муҳаммадjon Бакиров. – Шароитлар яхши, савдо мажмуаси хариддорлар учун ҳам қўлай жойда жойлашган. Хуллас хурсандимиз. Раҳмат.

Бу айтилган гаплар давлатимиз раҳбарининг: “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорнинг соҳасини кўллаб-қувватлаш ва рабатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам айтишдан чарчамайман. Яъни, “халқ бой бўлса, давлат ҳам кудратли бўлади”, – деган сўзларини ёдимизга солади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Бунга барчамиз иқтисодий кудрати тобора юксалиб бораётган Ўзбекистон фуқаролари гувоҳ бўлиб, ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИАТДАН МАМНУНМИЗ

Айни кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида барча жабҳаларда, уларнинг иштироки сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ҳатто бу борада жойларда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида турли тадбирлар уюштирилмоқда.

Хусусан, аёлларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда олиб бораётган амалий саъй-ҳаракатлари бунга мисолдир.

Шу ўринда буни қувонч билан айтиш жойизки, Муҳтарам Президентимизнинг аёлларимизнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янада ошириш борасида қўллаб-қувватлашлари ҳар бир опа-сингилларимизни фаолликка ундамоқда.

Бу борада "Агробанк" АТБ Бошқаруви томонидан ҳам тизимдаги барча аёлларини ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаб, банк мавқеини кўтаришда ва банк хизматларини кўрсатишда доимий ишонч билдириб келмоқда.



ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ МАСАЛАСИ "ИПОТЕКА-БАНК" ЭЪТИБОРИДА

Яқинда "Ипотека-банк" АТБда Президентимизнинг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Албатта, жамият фаровонлиги, ривожланиш сари қўйилаётган қадамлар, қолаверса, исталган ҳаракатдан кутиладиган натижалар кўп жиҳатдан гендер тенглик ва ижтимоий муносабатлар билан бевосита боғлиқ. Айнан шу муносабатлар ҳаётиимизнинг барча жабҳалари – меҳнат фаолияти, оила, маҳалла, ўқиш, мулоқот ва бошқа турли жараёнларни бошқариб келади. Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилик масаласи ҳам мазкур жараёнларда муносабатларни қонунан тартибга солиниши билан аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан хотин-қизлар масалаларига, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маиший

ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиш, иқтисодий ва имкониятларини кўрсатиш учун қулай шароит яратилмоқда. Оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода "Ипотека-банк" АТБда бўлиб ўтган тенг ҳуқуқлилик масаласи ҳам мазкур жараёнларда муносабатларни қонунан тартибга солиниши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти, шу маънода аёл-

лар фаоллигини ошириш учун турли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ, "Ипотека-банк" АТБ ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда асосан таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари каби муҳим мавзулар илгари сурилди.

Жумладан, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори Сайёра Ходжаева "Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш давр талаби" мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудахон Ходжаева юқорида зикр этилган Президентимиз фармони мазмун-моҳиятини изоҳлади.

Дарҳақиқат, шу каби фуқароларнинг гендер ҳабордорлигини оширишга кўмаклашиш, жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этиш, гендер сиёсати амалга оширилиши-

ни таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни ташкил этиш сингари фаолият йўналишларида қўллаб ишларни амалга ошириш зарур бўлади.

Сир эмаски, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш орқали ишхонада, оилада аёлларимизнинг бир қанча муаммоларини ҳал этиш мумкин бўлади. Чунки бу нозик жинс вакиллари табиатан тортинчоқ. Бундан ташқари ўта ҳаё ва андишаллик уларнинг ички ҳиссиётларини, дардларини ташига чиқаришга йўл қўймайди. Жамиятда фаол ва раҳбар аёллар кўпайса хотин-қизлар бу ҳамкасбларига бемалол кўнгилларини ёриши мумкин.

Тадбир сўнггида мавзу юзасидан банк ходимлари ва мутахассислар ўртасида очик мулоқот ва савол-жавоблар ҳам бўлиб, мамлакатимизда гендер тенглиги айрим ғарб давлатларидаги сингари ҳуқуқ талашини кўринишида эмас, балки соф маънавий-ахлоқий ва миллий шаклда эканлиги таъкидланди.

Дилнора РАИМОВА



Шунингдек, мазкур банк тизимида жуда кўп опа-сингилларимиз фаолият кўрсатишади. Ҳозирги кунда жойларда мутасаддилар Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини нозик ҳис қилган ва аёлларнинг жамиятга аралашувини тезлаштириш, турли соҳа ва тармоқларда иштирокини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болалиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим эканини ҳис қилмоқдалар.

Бу албатта, биз аёлларни хурсанд қилади ва ишга, касбимизга бўлган рағбатимизни оширади.

Санобар УМАРОВА
"Агробанк" АТБ
матбуот хизмати
бошлиғи

ОРЗУСИ УЛКАН, ШИЖОАТИ БАЛАНД ҚИЗЛАР

Бугунги кунда барча соҳаларда ёшларга ва хотин-қизлар фаоллигини оширишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ҳам бу борада чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Айниқса, банк томонидан ёш хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътирофга лойиқ. Биргина ўтган йилнинг ўзида марказий аппарат тизимига ўндан ортик ёш қизлар ишга олинди, малака ошириш учун хорижга юборилгани фикримиз тасдиғи бўла олади.

Шуниси эътиборлики, айна дамда тизимда фаолият юритаётган ёшлар ўз соҳасининг моҳир эгаси бўлиб етишмоқда. Бунда Марказий банк томонидан яратиб берилётган шароитлар муҳим ўрин тутмоқда.

Бу ҳақда Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти бош иқтисодчиси Нозима Мамажонова шундай дейди:



– Тан олиб айтиш жоизки, Марказий банк тизимида ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Зеро, ҳар бир департаментнинг алоҳида кенг қўламли фаолияти, йўналиши мавжуд. Шу боис, бу ерда доимий равишда изланишда бўлишинг, ўз устингда ишлашингга тўри келади. Албатта, бунинг учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида Беларусь ва Австрия давлатларида малака ошириб келдим.

Шу билан бирга, Марказий банкда доимий равишда семинар ва тренинглар, халқаро экспертлар билан



учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Бу эса менга ҳар томонлама билимларимни мустаҳкамлашга кўмак берди.

Қаҳрамонимиздан Марказий банкда ишлаш сиз учун оғирлик қилмай-дими, деб сўрадик.

– Йўқ. Нега, десангиз мен ўзим қизиққан соҳада фаолият юрита-япман. Сиз доимий ҳисоб-китоб, турли ҳисобот, таҳлилларни назарда тутяпсиз, шекилли. Мен ёшлигимдан математикага, молия-иқтисод соҳасига қизиқиб келаман. Шу боис, доим бу борадаги билимларимни янада мустаҳкамлашга интиламан. Ҳозирги иш жойим эса айна мен ўйлагандек. Чунки доимий равишда таҳлиллар қилиш орқали прогнозлаш моделларига янгилик киритиб туриш керак. Бу эса бизни ҳар доим ҳаракатга, янгиликларга ундайди.

Айна дамда Нозима Мамажонова ёш бўлишига қарамай янги йўналишда – пул-кредит сиёсатини макропредунциал сиёсат билан мувофиқ тарзда юритиш бўйича таклифлар устида иш олиб бормоқда. У ўзи қайд этганидек, ўқиб-изланишни давом эттириб, келгусида Японияда ўз билимини мустаҳкамлаш ниятида.

У билан суҳбатда иқтисодчи қизимиз яхшигина шоира кэнглигига ҳам амин бўлдик.

Бугун қайси бир ёш билан суҳбатлашманг, ўз мустақил сўзи, ўз фикри, олам-олам орзулари борлигига гувоҳ бўласиз. Энг асосийси, уларнинг ҳаракату мақсадлари ҳам ана шундай улкан.

Яна бир қаҳрамонимиз – Марказий банкнинг Кадрлар билан ишлаш департаменти HR функцияларини бажариш бошқармаси етакчи мутахассиси лавозимида фаолият юритаётган Юлдузхон Шокирова ҳам барча ҳавас қилгулик ёшлардан. У ўтган йили Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг молия-иқтисод факультетини тамомлаб, Марказий банкка ишга қабул қилинди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:



– Ўзим молия-иқтисод йўналишида ўқисам-да, бизнес, менежмент, кадрлар билан ишлаш йўналишига

қизиқишим бор эди. Шу боис, мустақил изланишлар олиб борардим. Бу қизиқишларим бежиз эмас экан. Ўқишни битириш палласида олий-гоҳимизга турли молия муассасаларидан ёш кадрларни танлаб олиш учун мутахассислар келишди. Буни қарангки, мен билан Марказий банкнинг кадрлар билан ишлаш бўлими мутахассислари суҳбатлашишди. Лекин Марказий банкда ишлаш ниятим йўқ эди. Кўпроқ тижорат банкларида ёки бошқа халқаро компанияларда ишлайман деб ўйлагандим. Аммо Марказий банк мутахассисининг савол-жавобларидан сўнг HR менежмент (ходимларни бошқариш) бўлган қизиқишим янада ортди. Биринчи суҳбатдан яхши ўтганимдан сўнг Марказий банкда алоҳида чиқиш қилишимни таъкидлашди. Буни қарангки, тақдиримизда Марказий банк раиси ўринбосарининг ўзлари иштирок этиб, савол-жавоб қилдилар. Мавзу бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Бу эса мендек, оддий талабани беҳад хурсанд қилиши баробарида тизимда ишлашга бўлган иштиёқимни янада оширди. Шу-шу мана бир йилга яқин кадрлар бўлимида фаолият юритаёпман.

– Мени хурсанд қиладиган жиҳат шуки, одатда илк ходим оддий лавозимдан иш бошларди. Лекин менга бирдан етакчи мутахассис лавозимини таклиф қилишди. Бу эса менга яна ҳам ишонч ва куч-гайрат берди. Қолаверса, бу ерда мен иқтисодчи эмас, балки HR менежерлигида ўзимни кашф қилдим. Айна дамда шу йўналишда фаолият юритаётганимдан беҳад бахтиёрман. Қолаверса, мана шундай салоҳиятли жойда ишлаётганимдан яқинларим ҳам, ўзим ҳам ғурурга тўламан, – дейди қаҳрамонимиз сўзи сўнгиди.

Айна дамда Юлдузхон Шокирова HR менежмент бўйича турли халқаро тажрибаларни ўрганиб, ходимлар билан ишлашнинг янгича тизимини яратишда фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, у келгусида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида илмий иш қилиш ниятида.

Ўз мухбиримиз

Аёлга бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратди, деб бежиз таъриф берилмаган. Ахборот манбаларига аёл – ҳоким, аёл – лидер, аёл – раҳбар деган истилоҳлар кириб кела бошлади. Бугунги кунда жамиятнинг қизгин, фаол соҳаларида аёл раҳбарларни кўп учратамиз. Ана шундай фидойи, меҳнаткаш аёл раҳбарлардан бири – “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Тошкент вилояти Чирчиқ филиали бошқарувчи лавозимида ишлаб келатган Каримбердиева Сайёра Курвонтаевна-надир.



ифали иқтисодчи, Пул муомаласи ва пластик карточкалар бўлимида етакчи мутахассис, шу бўлимда бош мутахассис, бўлим бошлиғи, бошқарувчи ўринбосари ва ҳозирда филиал бошқарувчиси вазифаларидек йўлни босиб ўтди.

Сайёра Каримбердиева ўз соҳасига янги эмас. Даставвал “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Тошкент вилояти Чирчиқ филиали Кичик бизнес бўлимида биринчи то-

КАСБИМ ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

Хабарингиз бор, яқинда филиал ўз фаолиятини сарҳисоб қилиш мақсадида пресс-тур ташкил қилди. Шунингдек журналистларга филиал фаолиятини шаффоф тарзда кўрсата олди. Дарҳақиқат, банк мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатувчи универсал ва халқаро талабларга жавоб берувчи замонавий ҳамда жадал ривожланаётган йирик кредит муассасаси сифатида ички ва ташқи базорда етакчи ўринларни эгаллашга йўналтирилган аниқ белгиланган стратегик дастур асосида иш олиб бормоқда. Айна пайтда “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Чирчиқ филиали томонидан тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш, аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиш, айниқса банк мижозларига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳолининг банкка бўлган ишончини оширишга хизмат қилаётир. Бу хизматлар бошида эса ишнинг кўзини билган Сайёра Каримбердиева жонбозлик кўрсатмоқда.

– Ишонам иккинчи уйимга айланиб қолган. – дейди Сайёра Каримбердиева. – Буни мақтанш эмас, масъулият, мажбурият деб билишингизни хоҳлардим. Менга билдирилган ишончнинг ўзи катта масъулият юклайди. Шу боис, доимо мана шу ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

– Аслида ҳар кунимиз

аёллар байрами. – дейди қаҳрамонимиз. – Аёллар куни деб муайян бир кунни хослаб бўлмайди. Лекин рамзий маънода баҳорнинг илк кунлари “Халқаро хотин-қизлар куни” деб эсланади. Чунки кўкламда атроф – гўзаллик, нафислик ва латофатлик билан ўз бўйини кўрсатади. Шунинг учун 8 Март куни “Оналар куни” сифатида ҳам машҳурдир. Одамлар ушбу байрамни меҳрибонлик ва гўзаллик байрами сифатида нишонлайдилар. Табиат аёллар байрами баҳорнинг биринчи кунларига келиб тушиши худди аёллар гўзаллигини нафис гуллар билан таққослаганлиги ҳам бежиз эмас. Фурсатдан фойдаланиб соҳада фаолият кўрсатаётган барча аёлларни байрам билан табриклайман!

Ортиғой РАИМОВА

УСТОЗЛАР ИЗИДАН!



Устоз
Абдурафиқ АХАДОВ

Ёшларга ўз иши ва сўзи билан ўрناк бўлган устозлар тўғрисида ёзиш, эътироф этиш барчамизга шараф ва бурчдир. Чунки ҳеч бир касб соҳибни йўқки ўз ишини устоздан ўрганмаган бўлса.

Иқтисодиёт локомотиви ҳисобланмиш банк тизими фидойиси, қарийб ярим асрлик ҳаётини тизим равангага бағишлаган устоз Абдурафиқ Аҳадов ўзларининг 75 ёшга кирганларини нишонламоқдалар.

Банк тизимида ишлаш, унинг номини ҳалоллаб ейиш осон иш эмас. Айниқса Республикамик мустақиллигигача, банк тизимида иш ҳақи кам, ходим бир пайтда барча корхоналарга хизмат кўрсатганлиги сабаб уларнинг хўжалик фаолиятини атрофлича тушуниб, бухгалтерия балансларини таҳлил эта олиш зарур эди.

Ўз устозлари сабоқларини бир умрга сингдириб олган Абдурафиқ ака қатъиятлиги ва фикрини атрофлича исботлаган ҳолда ўзбек ва рус тилларида раван изоҳлаб олиш қобилияти билан ажралиб туришини ўтган асрнинг 70 йиллари олийгоҳ мураббийларимиздан эшитганмиз. Йўғилларда, айниқса Москва Давлат банки бошқарувида вакиллар қатнашган анжуманларда ҳали ёш бўлишига қарамай А.Аҳадов асосий маърузачилардан бўлган. Раҳбарлар айта олмаган етишмовчилик ва камчиликларни кўнгил қолмайдиган даражада, чиройли қилиб тушунтириши натижасида маблағ ажратадиган бошликлар ҳужжатларни имзолаганлар.

Иттифоқ таркибида 33 ёшда мустақил раҳбарлик курсига ўтириш камдан кам учрайдиган ҳолат эди. Биринчи бор 1978 йили Давлат банкининг Оқтош бўлими, 1985 йили Самарқанд шаҳридаги Темир йўл бўлимига раҳбар бўлиб келган А. Аҳадовни 1986 йили Республикамикнинг энг чекка воҳаси Қарақалпоғистон Республикаси Давлат банкининг бошлиги лавозимига Москвага бориб тасдиқдан ўтиб

келади. Бугун Республикамик шимолий ҳудуди банк тизимидаги раҳбарлар устозимизнинг набира шогирдлари, деб ишонч билан айта оламиз.

Ёшлар билан ишлаш ва шогирд тайёрлаш устоз А.Аҳадов учун ҳаётдаги энг завқли машғулоти деб биламиз. Чунки қачон қараманг, ёшлар даврасида ва янги бир тадбирни ташвиқотчиси бўлиб чиқадилар. Республикамик ўз мустақиллигига эришмасдан олдин бугунги "Агробанк" АТБ биринчи вориси бўлган "Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик саноати банки"ни ташкил этиб, барча туманларда филиалини очиб, кадрлар билан таъминлашни фақат шогирдлари кўп инсонгина қилиши мумкин. Маскур тижорат банк шундай мустақкам асосда қурилганки бугун 30 йил бўлаётгани республика билан кадрлари учун кадрлар ўчоғи бўлиб келмоқда.

Устоз мустақиллигимизнинг биринчи йиллари Ўзбекистонимизни жаҳон ҳамжамиятига таништириш учун ҳам кўп тадбирларда шахсан қатнашдилар ва ташкилотчилик қилдилар. Европа Тиклаш ва тараққиёт Банкида Ўзбекистон вакилининг ўринбосари бўлиб ишлаганда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки учун йиллик ҳисоботларни тайёрлашга, чет эл инвестициясини жалб этишда ва мамлакатимиз молия тизимини халқаро андозаларга олиб чиқиш учун амалий тадбирларга фаол иштирок этдилар.

Ҳаётини, айниқса иқтисодни қонун бошқаришини ёшлиқдан анлаган А.Аҳадов дастлаб Оқтош туман халқ депутатлари, кейинчалик Қарақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва 1994 йилдан бошлаб 20 йил Олий Мажлис депутати бўлиб мустақил Республикамикнинг иқтисодий-ҳуқуқий базасини мустақкамлашга Олий Мажлис "Бюджет, банк ва молия масалалари" кўмитасини раҳбари сифатида ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Устоз бошчиликларида бўлиб ўтган қонун лойиҳалари муҳокамаларида кўп бор қатнашганимиз. 1995 йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида "ги қонун лойиҳасида айнан А.Аҳадовнинг қатъиятликларини туфайли иккита "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги алоҳида қонунлар муҳокамага кўйилиб тасдиқланди. Акс ҳолда Марказий Банк эмиссион марказлиги, ҳисоб – китоб-

лар, албатта банк тизимидан ўтиши зарурлиги каби бир қатор масалалар ечилмай, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки мавқеи бошқа тижорат банкларидан анчагина фарқ қилиши мумкин эди.

Бугунги кунда устозларнинг Устози бўлган Абдурафиқ Аҳадович нафақат банк тизими учун, балким қонунчилик соҳасида ҳам ўз ўринларига эгадирлар. Охириги 20 йил Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатларининг аксарияти устоздан маслаҳат ва дуолар олиб туришади.

Устозимиз мақсадли равишда фан билан шуғулланмаган бўлсалар-да, қаерда бўлмасинлар банк тизимидаги ёки қонунчилик соҳасида доимо фан билан машғул ёшларни қўллаб-қувватлаб келдилар. Бир ҳисобдан бизларнинг ҳам банк тизимига раҳбарлик лавозимларига келишимизга айнан устозимизнинг фикрлари асос бўлган. Абдурафиқ ака банк тизими учун кадр тайёрловчи олийгоҳ кафедраси билан яқиндан муносабатда эдилар. Бугунги кўпчилик олимларимиз устоз томонларидан берилган тақлифларни илмий асослаб чиққан бўлсалар, кафедра ўқитувчилари у киши ёрдамлари билан банкларда ўқув машғулотида қатнашиб, янгиликлардан воқиф бўлиб боришган.

Агар илмнинг ўлчови чоп этилган монография ва мақолалари билан баҳоланса, Устоз муаллифликларида чоп этилган китоблар ва рисоалар табоғи 150 дан ошади. Улар асосан ўз замонидаги долзарб масалалар ва ечимларига бағишланган. Шунинг учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи" Устозимиз соҳа профессори сифатида кадрланадилар. Г.В.Плеханов номидаги институтнинг олтин медали совриндори ва Халқаро бандлик академиясининг ҳақиқий аъзоси, академиги ҳисобланадилар.

Бугунги ёшларни қизиқтирадиган саволни "Банк тизимида хурмат топиб ишлаш ва яхши раҳбар бўлиш учун нима ишларни қилиш керак?" деб устоздан сўраганимизда, доимий камтарлик билан, "ишлаш керак", – деб жавоб бердилар-да, сал туриб, – "ҳа касб ўрганишда унинг инжиқликларига бардошли бўлиб, устоз айтганларига ёқса – ёқмаса рияз қилиб ишлаш керак, – деб қўшиб қўядилар. Ҳа устоз камтарлик қилиб панд-насиҳат бўлмасин деб саволга кўп тушунтириш бермаган бўлсалар-да у ки-

шининг фикрларини мужасамлаштириб Абдурафиқ акадан ўрнак олмақчи бўлган ёшларга маслаҳатимиз шуки, устозга ўхшаб камтар, кенг билимли, доимий изланувчан ва албатта машаққатли меҳнатга сабрли бўлиш керак. Абдурафиқ Аҳадович тўғри сўзликларини ва қатъиятликларини билан тизимда ўз ўринларига эгадирлар.

Бугун барчамиз бахтли юртда Аллоҳ зикри билан яшамоқдамиз. Унинг ягоналиги ва борлиқни яратувчиси эканлигини билган ҳолда атрофимиздаги ободликни, гўзалликни кўриб эътиборсиз бўламиз. Устоз бугун айнан Яратганнинг инъомини кўрсатиш билан машғулдирлар. Шаҳардаги мўжазгина ҳовлиларида турли кўчат ва гулларни парвариш қилиб шинамгина боғ яратганлар. Барча ишда унинг сир – асрорларини билганлари каби боғ яратиш билимини мукамал билганликларини учун ҳам "дароҳтлар, гул билан гаплашиш керак, токи уларни эшитмас экансан гўзаллигидан етарлича баҳраманд бўла – олмайсан", деб ўғит берадилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Кўп ҳолатларда гуллар оралаб юриб улар билан гаплашиб юрганларини гувоҳи бўлганмиз. Бизнинг назаримизда устоз худди ўз шогирдлари билан гаплашгандай эдилар. Ҳар бир бутадаги гулларни ҳисобласанг уларнинг сони минглаб шогирдлар сонидан кам бўлмаса керак. Табиат, бутун борлиқ устозга ҳамду – санолар айтиб турганида барча шогирдлар бошида омон бўлиб кўп йиллар дуо-ғўйимиз бўлиб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Муқаддас ҳаж зиёратларига бориб келган устозимизнинг тўртала фарзандлари олий маълумотли бўлиб, бугунги кунда 9 набираларини бағирларига босиб ҳожи опамиз билан божовон ва бувужон бўлиб юрибдилар. Сухбатлари давомида юзлаб, айниқса юртимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган шогирдларини яхши фикрлар билан эслайдилар ва розиликларини билдирадилар. Барча ушбу мақолани ўқибётган дўстлардан Устоз Абдурафиқ Аҳадовичдек жамиятда обрў топишни ният қилиб, у кишининг ҳақларига дуо қилиб, Яратгандан соғлиқларини мустақкамлаб, кўп йиллар барчамизга бош бўлиб юришларини сўраб қоламиз.

Барча шогирдлар номидан
Ашур ҚОДИРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ

ҚИСҚА САТРЛАРДА

– Фармонга кўра, Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида:

– 2020 йилдан бошлаб пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режаси, унинг нархи давлат томонидан белгиланмайди ва давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми 25 фоизга камайитирилади;

ЭКСПОРТ-КРЕДИТ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ



– 2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки бараварга қисқартирилади;

– 2020 йил 1 июндан бошлаб аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифати янада оширилади, замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтирилади;

– 2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлиги ташкил қилинади;

– 2020 йил 1 июндан маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисми давлат томонидан қопланади, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўланади;


– 2020 йилда кенг полосули Интернет портлари яратилади ва 12 минг км оптик толали алоқа линиялари ётқизилади.

"Huuquqiy axborot"
Телеграм канали




ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ “ZENATKOR-TBV” МЧЖ ЖАМОАСИ ҚУТЛАЙДИ

АЗИЗ БУВИЖОНЛАР, МЕҲРИБОН ОНАЖОНЛАР,
МУНИС ОПА-СИНГИЛЛАР!
БИЗ ЖАМОАМИЗ БИЛАН СИЗЛАРНИ
БАЙРАМЛАРИНГИЗ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН, САМИМИЙ
МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.
ЎЗГАР ЧЕҲРАНГИЗДАН ҲАМИША ТАБАССУМЛАР
БАРҚ УРИБ ТУРСИН!



Хизматлар лицензияланган.



Қадрли онажонлар ва опа-сингиллар!
Сизларни фасли навбаҳорга қиёсланган
Хотин-қизлар байрами билан чин дилдан
муборакбод этамиз. Доимо юзингиздан
кулгу-табассум аримасин.
БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ
ҚИЛИШ ВА ПРОТЕЗЛАШ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**



**“ЯНГИЙЎЛ СУТ”
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Азиз мўътабар ва мушфиқа АЁЛЛАР!

Сизларни кириб келаётган 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахту омад тилаймиз.

Оилангизда тинчлик, хотиржамлик

бўлишига, ишларингизда

улкан ютуқларга

эришишингизда

тилакдошмиз!

“ЭНГ КИТОБСЕВАР ХОДИМ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Яқинда Марказий банкнинг Самарқанд вилояти бош бошқармаси томонидан вилоят банк ходимлари ўртасидаги “Энг китобсевар ходим” танлови ўтказилди. Унда ҳудудда фаолият юритаётган барча тижорат банкларидан ходимлар иштирок этди.

Босичма-босқич бўлиб ўтган танловда финалчилар “Адабиёт билимдони”, “Буюк мутафаккир ва адиблар”, “Шеърят” деб номланган 3 та шартларда ғолиблик учун бахслашишди.

Шартлар бўйича иштирокчилар ижроси Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, ёзувчи Тошпўлат Тугалов раислигидаги Ҳакамлар ҳайъати томонидан шаффоф ва адолатли



тарзда баҳолашиб борилди. Баҳс натижасига кўра, биринчи ўринга “Асака” банк Аҳоли тадбиркорлиги билан ишлаш сектори етакчи мутахассиси Шохиста Тамикаева, иккинчи ўринга Халқ банки Пенсия ва нафақа тарқатиш сайёр кассаси кассири Элёр Рўзиев ҳамда учинчи ўринга “Orient Financ” банк Ходимлар билан ишлаш сектори муdiri Машхура Усмонова муносиб кўрилди.

Ғолибларга эсдалик совғалари ҳамда барча финалчиларга илм-маърифат, тафаккур манбаи бўлган китоблар тўплами тақдим этилди.

ШЕРЗОД СУВАНКУЛОВ





Қадрли ва мунис аёллар!
“Туронбанк” Ақшядорлиқ тижорат банки жамоаси
Янгилашни ва нафосат байрами бўлиши
8 март – Халқаро хотин – қизлар кўни муносабати
билан меҳрибон оналаримиз, гамхўр она – сингилларимиз, ишбилармон аёлларимизни
чин қалбдан муборақбод этади!

Нурли юзингиздан сеҳрли табассумингиз ҳеч ҳам
аримасин, оилавий тинчлик – хотиржамлик
сизга – саломатлик ва эзгу ишларингизда
улқан зафарлар тилаймиз!

 turonbank
  turonbankuz
  turonbank

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
 АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
 Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки
 Ўзбекистон Республикаси
 Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
 Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
 Шукр ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
 Уктам АБДУЛЛАЕВ
 Тел: +998 90 0264090
 71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
 Нашр индекси-102.

МУАССИС:
 “Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Ахборот кўмаги
 ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ
 www.finance.uz

Тахририят манзили:
 100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
 Осиё кўчаси 1а
 e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
 Чоп этишга тайёрловчи:
 “Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ
 Газета тахририятнинг техник
 усқуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Кўлёмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кўни чиқади. Буюртма № г 0304 А-1635 Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рўхсат этилди: 03.03.2020 й., 1 2 3 4 5 6